Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 122 (5413)
31 МАЙ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги партия ташкилотининг КПСС XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажариш учун аппарат коммунистларининг ташаббускорлигини ривожлантириш ва масъулиятини ошириш соҳасидаги иши масаласидаги масала кўриб чиқилди. Партия бюросининг бу соҳадаги фаолияти ҳали замонавий талабларга тўла даражада мос келмаётганлиги қайд этиб ўтилди. Партия бюроси, цех партия ташкилотлари ўз ишларини ҳамиша ҳам танқидий анализ қилаётгани йўқ, аппарат ишини ташкил этишга, унинг фаолиятида аниқлик, оперативликни оширишга зарур таъсир ўтказмаяпти. Марказий Комитет Бюроси партия ташкилотига конкрет топшириқлар берди. Бу топшириқлар иш услуби ва методларини такомиллаштиришга, министрлик ходимларида ишчанлик, принципиаллик, ўзаро талабчанликни тарбиялашга, бошқарув ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларига партия таъсирини кучайтиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари раисларининг республика семинар-кенгаши якунлари чиқарилди. Тегишли ташкилотларга семинар-кенгаш қатнашчилари айтган таклифлар, танқидий мулоҳазалар ва илтимосномаларни кўриб чиқиш, уларнинг ижро этилишини ташкил этиш ҳамда контрол қилиб туриш топширилди.

Бюрода республиканинг бир қанча министрликлари ва идораларида раҳбар ходимлар сонини қўшимча қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бюро Тошкент шаҳрида «Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш воситалари ва методлари «Ирригация-85» ихтисослаштирилган виставкасини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Марказий Комитет Бюроси 1985 йил апрелида Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республикадаги хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Тинч меҳнат посбонлигида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқида ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат ва унинг душманларига нафрат руҳида, юксак сиёсий, синфий ҳушёрлик, жасоратга доимо тайёрлик руҳида яна ҳам зўр қатъият билан тарбиялаш вазифасини қўйди. 30 май куни Катта Кремль саройида бўлиб ўтган кенгашнинг ялпи мажлисида ана шу вазифани бажариш йўллари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, сиёсий ходимлар, бўлинмалар, қисмлар ва кемалар комсомол ташкилотларининг секретарлари президиумдан жой оладилар.

Ялпи мажлисда докладларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Нотиқлар Коммунистик партия билан Совет ҳукумати Қуролли Кучлар олдига қўйган вазифаларни ҳал этишда армия ва флот комсомол ташкилотларининг ролини янада кучайтириш билан боғлиқ кўпгина масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Социалистик мусобақада армия ва флот ёшларининг активлигини кучайтириш, мусобақанинг тарбиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, илғор қўшилма ва қисм номини олиш учун, жанговар ва сиёсий тайёргарликда энг юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашга комсомоллар билан ёш жангчиларни жалб этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашининг тавсиялари маъқулланди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан мактуб қабул қилди. Кенгаш қатнашчилари партияни ўз йўлбошчиси ва устози деб билиб, бундан буён ҳам унга эргашиб боришга, партиянинг программавий мақсадларини амалга ошириш учун тинимсиз курашга тайёр эканликларини билдирдилар. Биз учун, дейилади мактубда, партиянинг ишидан, Ватан манфаатларидан азизроқ нарса йўқ. Биз учун боболаримиз ва оталаримиз мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатиб жанг қилган идеалларни рўёбга чиқаришдан кўра юксак шараф йўқ.

Армия комсомоли Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигини армия ва флот комсомоллари уларнинг жанговар меҳнатига берилган юксак баҳонинг далили деб билмоқдалар. Бу мукофот муқаддас ҳарбий бурчни фидокорона бажаришга — совет халқининг тинч меҳнати посбонлигида сергак бўлиб туришга, социалистик Ватанни кўз қорачиғидек асрашга илҳомлантиради.

Кенгаш армия ва флот комсомоллари, барча совет жангчилари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини яна ҳам зўр қатъият ва фидокорлик билан амалга оширадилар, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини мустаҳкамлайдилар, социализмнинг улуғ ғалабаларини пухта ҳимоя қиладилар, деб КПСС Марказий Комитетига ваъда берди.

Комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгаши ўз ишини тугаллади.

(ТАСС).

ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧИ РУҲЛАНТИРМОҚДА

СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАТОРИ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИ УМУМАРМИЯ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИНИ КОНКРЕТ ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР.

Ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарлари Умумармия кенгашида сўзлаган нутқи биз, ёш тракторсозларда ёрқин, ўчмас таассурот қолдирди. Ленин комсомолининг хизматларига берилган юксак баҳо, партиянинг ёшлар ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги ҳар биримизни астойдил тўлқинлантирди. Константин Устиновичнинг нутқида берилган маслаҳат ва кўрсатмалар биз учун конкрет ҳаракат программасидир.

Мен прицеп йиғувчи комсомол-ёшлар бригадасида ишлайман. Бу бригада корхонада биринчилардан бўлиб ягона наряд асосида меҳнат қила бошлади ва муттасил юксак кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Актив тарбиявий иш ҳам бунга ёрдам бермоқда. Биз бу ишни ёшларнинг ўсган маънавий талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб уюштирмоқдамиз. Кўпгина комсомолларимиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий мактаблар ва техникумларда ўқишни давом эттирмоқдалар.

Лекин биз ўз ишларимизни кун талаблари билан қиёслаб, камчиликларимизни ҳам яққол кўриб турибмиз. Ўртоқ К. У. Черненко ўз нутқида жуда тўғри қайд этиб ўтганидек, биз баъзида энг муҳим проблемалардан четда қолиб, эскирган методлар билан иш кўрмоқдамиз.

Биз партиянинг ишончига жавобан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда комсомолнинг ролини ошириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, ишлаб чиқариш вазифалари ва социал вазифалар ҳал этилишини бутун чоралар билан жадаллаштириш учун ишнинг янги самарали форма ва методларини топамиз.

Маҳамат ҚОСИМОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, ВЛКСМ XIX съезди делегати.

(ЎзТАГ).

ФЕСТИВАЛНИ КОСМОНАВТЛАР ҚУТЛАМОҚДА

ОРБИТА—УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ —«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЕДАКЦИЯСИ РАДИОАЛОҚАСИ ОРҚАЛИ ХАБАР

МАХСУС МУХБИРИМИЗ ОРБИТАДАГИ «САЛЮТ—7» — «СОЮЗ Т —11» —«ПРОГРЕСС—21» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИ БИЛАН БОҒЛАНДИ.



— Тошкент шаҳрида ўтаётган VIII Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига орбита бўйлаб айлана парвозларимиздан биттасини Тошкент киноанжуманига бағишлаганимизни маълум қилишингизни сўраймиз, — деб хабар беришди космонавтлар.

— Кинофестиваль қандай ўтяпти?

— Аъло даражада. Унда юзга яқин мамлакатлар, Халқаро ва миллий ташкилотларнинг кинематографчилари иштирок этишмоқда. Халқаро анжуман ҳамжиҳатлик, ўзаро ижодий ҳамкорлик руҳида ўтмоқда.

— Тошкент заминида муваффақиятли иш олиб бораётган кино байрами қатнашчилари ва меҳмонларига юксак ижодий парвозлар тилаймиз. Биз шунга ишонамизки, бу галги фестиваль ҳам ўтган киноанжуманлар сингари уч қитъа кино санъатини тараққий эттиришга, жаҳон халқлари ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ўзининг муҳим ҳиссасини қўшади. Планетамизда ҳамиша тинчлик ҳукм сурсин, космосда ҳамиша тинчлик бўлсин!

Биз фестиваль мезбонлари бўлган тошкентликларга ўзимизнинг энг эзгу ва самимий тилакларимизни билдирамиз!

Леонид КИЗИМ,
Владимир СОЛОВЬЕВ,
Олег АТЬКОВ.

Сўз—фестиваль қатнашчиларига

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

БАБИТТА,
киноактриса,
Бангладеш.



— Тошкент Халқаро кино анжумани жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда йил сайин катта аҳамият касб этиб боряпти.

Биз бу ерда ўзимизни чинакам дўстларимиз даврасида ҳис этамиз. Учрашувлар, ижодий мулоқотлар ҳам кино санъатини инсоннинг эзгу мақсадларига хизмат қилдириш руҳида ўтади.

Бангладеш кинематографчилари фестиваль экранига тавсия этган «Ғолиб» номли картинада ҳам инсоннинг энг қийин дақиқаларда дўстлик туфайли янги ҳаёт бошлашга муваффақ бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Биз бу ерда кўпгина машҳур экран усталари яратган кино асарларни ҳам томоша қилдик. Япония, Куба ва Ҳиндистон кинематографчилари яратган картиналар менда айниқса катта таассурот қолдирди. Шарқдаги ажойиб шаҳар — Ўзбекистон пойтахти бу ердаги самимий учрашувлар ҳақидаги таассуротларимизни ўз ватандошларимизга, бу ерга келгусида янги картиналарини олиб келиш учун ижодий иш олиб бораётган ҳамкасбларимизга мароқ билан ҳикоя қилиб берамиз.

тонгги газеталарда

● Расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Австралия ташқи ишлар министри Уильям Жорж Хэйден 30 май куни Ўзбекистон пойтахтига келди. Австралиянинг СССРдаги элчиси Э. Р. Покок, СССРнинг Австралиядаги элчиси Е. М. Самотейкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимининг мудири В. П. Суслов у билан бирга келишди. Тошкент аэропортида меҳмон шарафига Австралия, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат байроқлари кўтарилди.

Шу куни У. Ж. Хэйден Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев ҳузурида бўлди.

● «Салют-7» орбитал илмий станциясининг бундан буёнги ишлашини таъминлаш программасига мувофиқ 1984 йил 28 майда Совет Иттифоқида «Прогресс-22» автомат юк кемаси учирилди.

● ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАБ

БУГУН

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб ташкил этилган республика илмий конференциясида КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида студент ва ўқувчи ёшларнинг ахлоқий тарбияси актуал масалалари муҳокама қилина бошланди.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус, маориф министрликлари, Тошкент Халқ хўжалиги институти ташкил этган бу конференция ишида Москва, Ленинград, Киев, Самарқанд, Бухоро ва мамлакатимиз бошқа шаҳарлари олий ўқув юртларининг олимлари қатнашмоқдалар.

Конференцияда ёшларни ахлоқий тарбиялаш, йигит ва қизларда актив ҳаётий позицияни шакллантириш, интернационал ва бошқа ахлоқий жиҳатларда авлодларнинг дахлдорлиги ва Ўзбекистон комсомолининг аҳамияти тўғрисида докладлар тингланмоқда.

• Тошкент—фестивалга

КИНОАНЖУМАН ЭМБЛЕМАСИ БИЛАН



Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро кинофестивали бошланишидан олдин Тошкентнинг кўпгина корхоналарида фестиваль рамзи акс эттирилган кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш авж олдириб юборилган эди. Бу буюмлар мутахассислар ва харидорларнинг юксак талабига сазовор бўладиган даражада тайёрланди.

Пойтахт чинни буюмлари заводи. Бу ерда тайёрланаётган ранг-баранг идишлар ўзининг ғоятда нафис ишланганлиги, бўёқларининг жозибаси, анъанавий миллий нақшлари билан ҳамма жойда таҳсинга лойиқдир. Биз корхонанинг носерияли буюмлар тайёрланадиган устахонасидамиз. Ўзига хос жозибали нақш солинган, кейинчалик эса поток усулда чиқара бошланган кўпгина лаганлар, чойнаклар, пиёлалар, вазалар худди шу ерда туғилган. Ярим йил муқаддам устахона рассомлари фестиваль рамзи туширилган миллий идишлар эскизини таклиф қилдилар. Эндиликда Тошкент VIII Халқаро кино фестивали эмблемаси туширилган маҳсулотлар серияли чиқарилмоқда, уларни шаҳримизнинг кўпгина магазинларидан сотиб олиш мумкин. Маҳсулотларнинг бир қисми мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ҳам юборилиши мумкин.

Тошкентдаги «Сувенир» фабрикасида фестиваль эмблемали ўнлаб номда эсдалик совғалари тайёрланмоқда. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги бир қатор саноат корхоналарининг меҳнатчилари ҳам киноанжуманга муносиб совғалар тайёрладилар.



Шу кунларда Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган обрўли, инсоният тараққийпарвар кучларнинг ер юзида ўзаро тушунча, тинчлик учун интилаётган халқаро киноанжумани тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларининг хотирасида узоқ сақланиб қолади. Ўйлаймизки Тошкент корхоналарида ана шу воқеага атаб чиқарилган муносиб совғалар ҳам тараққийпарвар кино-санъатининг унутилмас тантанали кунлари, Советлар мамлакатининг жанубдаги шарқи тўғрисида фестиваль қатнашчиларига узоқ вақт эслатиб туради.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони

Ўзбекистон ССРда истиқомат қилаётган кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» унвони бериш тўғрисида

Ўн ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин.

Тошкент шаҳри бўйича:

Мирзабоева Машкура —уй бекасига, Куйбишев райони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1984 йил. 21 май.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

Кўплаб халқ истеъмоли буюмлари тайёрлайлик

Тошкент шаҳар партия комитети Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг корхоналари партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1983 йил — 1985 йилларда аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни яхшилаш бўйича қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарори асосида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни янада ~~кўпайтиришни~~ таъминлаш борасидаги ишлари масаласини қараб чиқди.

Шу масала бўйича қабул қилинган қарорда шу нарса таъкидланадики, енгил саноат корхоналари ва республика Енгил саноат министрлиги аппарати КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети сўнгги Пленумлари кўрсатмаларини, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1983—1985 йилларда аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни яхшилаш бўйича қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, маълум сиёсий ва ташкилий ишларни амалга оширишаяпти. Хўжалик раҳбарларининг диққат-эътиборини кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга, уларнинг ассортиментини кенгайтиришга ва сифатини яхшилашга қаратишяпти.

Шу билан бирга, деб таъкидланади қарорда, республика Енгил саноат министрлигининг аппарати бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини шу кун талаблари асосида ташкил этолмаяптилар.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати ва «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси 1981—1983 йилларда белгиланган планларни бажармадилар, 1-пойафзал фабрикаси, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси шу йилнинг тўрт ойида маҳсулот реализация қилиш планини уддалай олмади.

Тошкент тўқимачилик комбинати, «Малика», «Учқун» бирлашмалари, 1- ва 2-пойафзал фабрикалари ва бошқа корхоналар таъминотни ҳисобга олган ҳолда реализация планини бажаришолмаяпти. Фақат шу йилнинг ўзида бу корхоналар шартнома бўйича 9 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар.

Партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан етарли фойдаланишмаяпти. Халқ контроли группа ва постлари ўз ишини — кийимлар, пойафзал ва бошқа маҳсулотлар сифатини яхшилашга дуруст йўналтирмаяптилар.

Соҳанинг бир қатор корхоналари узоқ муддат мобайнида беш қиррали белги билан маҳсулот ишлаб чиқариш планини уддалашолмаяпти. 1 ва 2-пойафзал фабрикаларида, Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида, кўн-мўйна заводида, тикувчилик бирлашмасида, «Учқун», «Ўзбекистон» бирлашмаларида кенг истеъмол буюмлари сифатсизлигича қолаяпти.

Партия ташкилотлари ассортиментни янгилаш, кенг истеъмол буюмлари янги хилларини ўзлаштиришни назорат қилишини бўшаштириб юборди. Маъқулланган намуналарнинг бадиий советдан конвейергача ўтиш муддати айрим моделларда 12 ойдан 18 ойгача чўзилмоқда.

Республика Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа конструкторлик-технология бюроси ва республика Моделар уйи бу масалаларни ҳал этишга таъсирчан ва амалий ёрдам кўрсатмаяпти. Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини ривожлантиришда бир қатор нуқсонлар бор, кадрлар қўнимсизлиги ҳамон юқорилигича қоляпти.

Партия ташкилотлари коммунистлардан, хўжалик раҳбарларидан коллектив ишининг пировард натижалари хусусида талабчанлик қилмаяпти.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги аппарати партия ташкилоти бошқарма, бўлим ва хизматларнинг фаолиятига эътиборни кучайтириб, коммунистлардан, раҳбарлардан партия ва ҳукуматнинг истеъмол буюмларини кўпайтириш бўйича қарорларининг бажарилишини қаттиқ талаб қилмаяптилар, нуқсонлар ва камчиликлар билан муроса қилмоқдалар. Ҳар бир коммунистнинг, аппаратнинг ҳар бир ходимининг ўз бурчларининг бажарилишига шахсий жавобгарликларини оширмаяптилар.

Тошкент шаҳар партия комитети енгил саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотлари зиммасига коллективларда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича беш йиллик директив топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш вазифасини юклади. Кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ва номенклатурасини ўз вақтида ўзгаришини назорат қилиш зарур. Планлаштирилган ассортиментда буюмлар ишлаб чиқариш топшириғининг сўзсиз бажарилишига, савдо ташкилотлари билан тузилган шартномага биноан маҳсулотларни тўла белгиланган ҳажмда етказиб берилишига эришиш лозим.

Енгил саноат корхоналарининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашларнинг меҳнат ва жамоат активлигини ўстириш ҳақида қайғурмоқда, жойларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Тошкент шаҳар Совети VI ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг ҳисоботи ва навбатдаги вазифалари тингланди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Ҳаво ўзгариб турса-да, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Момақалдироқ бўлади. Кечаси 17—22, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади.

Иқтисодий эксперимент — амалда

Рағбатлантириш фондлари юксалмоқда

Мана беш ойдирки, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимизда амалга оширилаётган катта миқёсдаги иқтисодий экспериментда иштирок этаяпти. Бу муддатни кўп ҳам, оз ҳам деб бўлмайди. Бу муддат баъзи бир якунлар чиқариш, унча катта бўлмаган, лекин аниқ тажрибани умумлаштириш учун етарли. Ўтказилаётган эксперимент натижаларига аналитик ёндошиш, улардан ўй-мулоҳаза учун озуқа олиш, янги шароитда корхона фаолиятини баҳолашда баъзи бир ўзгартиришлар қилиш пайти келди.

Реализация бўйича тўрт ойлик план, тузилган шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда, юз процент бажарилди. Бу ғоят муҳим. Маҳсулот реализацияси ҳажми 100,8 процент бажарилди, қўшимча 208 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Планга қўшимча 157,0 минг сўмлик товар маҳсулот, 24,0 минг сўмлик норматив-соф маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу муқобил план бўйича олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

Моддий рағбатлантириш фонди квартал натижалари бўйича ажратилади. Шунинг учун ҳам бирлашманинг шу йилнинг биринчи кварталидаги иш натижаларига батафсил тўхтаб ўтишни истаймиз.

СССР Давлат меҳнат комитетининг Ўзбекистон филиали илмий-тадқиқот институти билан биргаликда шу йилнинг биринчи квартали иш натижаларини чуқур таҳлил қилиш бирлашманинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидаги ижобий ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. Биз учун шу нарсани билиш ғоят муҳим эди: бу натижалар хўжалик юритишни яхшилашга қаратилган аниқ тадбирларни жорий этиш натижасими ёки эксперимент механизмнинг ўзи «автоматик» ишладими?

Янги шароитда ишлашнинг ўзига хос томони шундан иборатки, эксперимент бирлашма коллективини ишлаб чиқариш самарадорлигини ижоси борича оширишга ундаяпти. Бу ғоят муҳим, наинки корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини баҳолаш системаси (масалан, иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш ҳажми) ишнинг пировард натижаларига бевосита боғлиқ. Шундай қилиб тиғиз планларни амалга ошириш (уларнинг қуввати, ҳажми ва натурал кўрсаткичлари, моддий-техника ва меҳнат ресурслари бўйича балансланган бўлиши) ишнинг юқори кўрсаткичларини таъминлаяпти.

Эндиликда экспериментнинг энг муҳим томони корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини баҳолаш системаси ҳақида гапирамиз. Айнан шу ерда экспериментнинг ўзига хос томони намоён бўлади. Бирлашма ва унга кирадиган бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти эндиликда учта асосий мустақил йўналиш: тузилган шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация планининг бажарилиши; меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши; бир сўмлик товар маҳсулот ҳисобига сарфланадиган ҳаражатни камайтириш топшириғининг бажарилиши билан амалга оширилади.

Бу асосий кўрсаткичларнинг бажарилиши билан моддий рағбатлантириш фондларининг пайдо бўлиши ва улардан фойдаланиш мустаҳкам боғлиқ. Жумладан, таъминот бўйича планнинг 100 процент бажарилиши моддий рағбатлантириш фондини 15 процент ўстиради, маҳсулот етказиб бериш бўйича ҳар бир бажарилмаган процент учун 3 процент олиб ташланади. Хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун 70 процент мукофот маблағи айнан шу манбаадан ажратилади.

Эксперимент шароити иш ҳақи фондидан фойдаланишда катта ҳуқуқларни назарда тутади. Ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмуриятига юксак малакали мутахассислар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга (ойлик маошининг 50 процентигача бўлган миқдорда) қўшимча ҳақ тўлаш, шунингдек юксак малакали ишчиларга таъриф ставкасининг юқори даражасида ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилган. Аллақачида муҳим ва масъулиятли ишларга банд бўлган ишчиларга шахсий маошлар белгилаш (ойига 250 сўм ҳажмида) ҳуқуқи берилди. Биз бу ҳуқуқлардан фойдаланаяпмиз.

Янги шароитдаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқаришда сарф-ҳаражатларни камайганлигидир.

Шундай қилиб, бирлашма ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштириш билан қўшимча манбаларга эга бўлади, янада самарали хўжалик юритиш имкониятларига эга бўлади.

Бироқ ғоят муҳим кўрсаткич бўлган тузилган шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация топшириғи биринчи кварталда бажарилмай қолди ва 99,3 процентни ташкил этди. Истеъмолчиларга 138,5 минг сўмлик ҳажмидаги буюртма маҳсулот етказиб берилмади, пакетли включателлар (75,9 минг дона) ва реле (42 минг дона) ишлаб чиқариш бўйича планлар бажарилмаганлиги оқибатида шундай аҳвол рўй берди. Етказиб берилмаган маҳсулот бош завод ҳисобидан бўлди. Бунинг сабаби нимада? Бош корхонага 17 тонна бронза прокат етказиб берилмади.

Иқтисодий эксперимент шароитида таъминот бўйича квартал планининг бажарилмаганлиги моддий рағбатлантириш фондининг 2,4 процент (7,5 минг сўм ҳажмида) пасайишига олиб келди. Хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофот ҳам 40 процентга камайди.

Бирлашма планлаштирилган ҳажмдаги маҳсулот таннархини арзонлаштириш топшириғини бажарди— натижада маҳсулот ишлаб чиқаришда сарф-ҳаражатларнинг планли камайиши 662 минг сўмни ташкил этди. Бу фойда бўйича планнинг 240 минг сўмлигига бажарилишини таъминлади. Ушбу кўрсаткич фонд ҳосил қилувчи бўлганлиги сабабли ундан моддий рағбатлантиришнинг қўшимча фонди (60,4 минг сўм ҳажмида) ажратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу кўрсаткичларга иш ҳақи фонди нисбатан тежалган шароитда (70 минг сўмликка) эришилди. Бу вазият шундан далолат берадики, иш ҳақи фондини планлаштиришнинг янги системаси ҳали жойларда етарли ўрганилмаган, бирлашмага кирувчи заводларнинг раҳбарлари иш ҳақи тўлашда ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга анча эҳтиёткор бўлишган. Бироқ эксперимент шароитида тежалган иш ҳақи фонди бирлашма ихтиёрида қолади. Янги кварталда биз бир мунча маневр қилиш имконига эга бўламиз.

Янги иқтисодий ислоҳотнинг афзалликлари ҳақида гапирганда яна шу фактни айтиб ўтиш керакки, бирлашма биринчи квартал якуни бўйича моддий рағбатлантириш фондига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116 минг сўмлик кўп пул ажратди (ўсиш 146 процентни ташкил этди).

Иқтисодий эксперимент катта ҳуқуқлар беради, айни пайтда бирлашманинг барча бўғинидаги раҳбарларнинг хўжалик фаолиятининг пировард натижалари, айниқса асосий кўрсаткичлар: тузилган шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация планининг бажарилишига, ишлаб чиқариш планининг моддий-техника ва меҳнат ресурслари билан балансланган бўлишига масъулиятини оширади. Бу борада бирлашмада ҳали катта камчиликлар бор. Уларни бартараф этиш бўйича ҳозирги пайтда чора-тадбирлар кўриляпти.

А. ДЬЯКОНЕНКО,
«Средазэлектроап п а рат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг экономика бўйича ўринбосари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МАШҲУР МАРКА

БЕРЛИН. Карл-Маркс-штадт шаҳридаги Ф. Геккерт номли комбинат маркаси қўйилган станоклар дунёнинг 45 мамлакатида яхши ишлаб турибди. Замонавий металлсозлик агрегатлари ва поток линиялари ғоятда серунум ва пухта бўлиб, уларни бошқариш электр техника зиммасига юклатилган.

Ҳар йили комбинат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган 1600 станокнинг кўп қисми экспорт қилишга аталган. Ишлаб чиқариш ҳажми ички бозор эҳтиёжларидан ортади, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда комбинат директорининг мол сотиш бўйича ўринбосари П. Штельцель. Экспортга чиқариладиган маҳсулотнинг 70 процентга яқини Совет Иттифоқига тўғри келади. Яқинда коллектив ўз юбилейини байрам қилди — СССР-даги дўстларга 10 мингинчи агрегат юборилди. Ҳозир Чебоксари ва Ивановода, Тольятти ва Минскда, Ленинград «Электросила»си ва Камазда ишлаб турган машинаускуналарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳамма агрегатларга давлат Сифат белгиси берилган.

Ҳозир, деди П. Штельцель, комбинат коллективи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлардаги 20 тадан кўп корхона ва тадқиқот марказлари билан алоқа боғлаб турибди. Бундай ҳамкорлик қисқа муддат ичида мураккаб илмий-техника вазифаларини ҳал этишга, жаҳон бозорида станокларнинг рақобат қобилиятини оширишга имкон беради.





▲ ГФР. Гарльштедтдаги Америка ҳарбий базаси олдида тўпланган Ғарбий Германия граждан-ларининг норозилик намойишини, полиция-чилар совуқ сув пуркаб тарқатишга ҳаракат қилдилар (юқоридаги сурат). Намойишчилардан бири кўтариб олган таёқчада «Урушга тайёргарлик тўхтатилсин!» деб ёзилган.

▲ Нью-Йорк марказида урушга қарши кучли намойиш бўлиб ўтди (ўнгдаги сурат). «Нью-Йоркда қанотли ракеталарга ўрин йўқ!», «Биз ҳарбий нишон бўлишни истамаймиз!» шиорларини жўр бўлиб қичқирган намойиш қатнашчилари қуролланиш пойгасини авж олдириш, АҚШнинг ана шу йирик шаҳрини ядро қуроли ортилган кемалар тўхташ жойига айлантириш ҳақидаги Вашингтоннинг сиёсатига кескин норозилик изҳор этдилар.

МЕҲНАТ ЕНГИЛ БЎЛСИН УЧУН

БУДАПЕШТ. ВХР-нинг ташқи савдо корхоналари Совет Иттифоқига юборажётган машина-ускуналар орасида СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга тааллуқли моллар муҳим ўрин тутади. Консерва фабрикалари, сут, пишлоқ, нон заводлари, паррандачилик фабрикаларига аталган комплект машина-ускуналар, шунингдек замонавий қишлоқ хўжалик техникасининг баъзи турлари экспорти шулар қаторига киради.

Бекешчаб қишлоқ хўжалик машиналари заводи «Мезеген» бу ишда қатнашиб келаётганига 15 йилдан ошди. Корхона коллективи Чехословакиянинг «Агрозет» корхонаси билан шерикчиликда ишлаб чиқараётган, боғ ҳамда полизларга ишлов беришга аталган «кичик техника» Совет Иттифоқи, Чехословакия, ГДР, Польшада яхши маълум. Томорқалар ривожланиши муносабати билан турли ўрнатма қуроллари бўлган митти тракторлар айниқса кенг ёйилди.

Корхона, деди «Мезеген» директори Дьердь Ковач, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлар учун жўхори ўриб олувчи машиналар программасида нашмоқда. У ҳам меҳнат талабчанлигини расида дон олиш учун ихтисослашган ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш соатига 40—60 тонна ни ташкил этади. Социалистик иқтисодий интеграция-да қатнашувчи корхона ва мамлакатларнинг қишлоқ меҳнаткашларига зарур машиналар ишлаб чиқариш ва уларни тайёрлаш кўламини кенгайтириб боришга қаратилган.

РИМ. Италиянинг Тренто шаҳри яқинидаги Молидари қишлоғига боравериш йўлидаги куролидан ҳолда деган ёзув пайдо бўлди. Маҳаллий маъмурият бу ёзуларнинг ким томонидан ёзилганини аниқлаш учун шаҳар территориясида ядро қуролларига қарши қандай турдаги намойишлар ўтказилиши, шунингдек ташкилотларни аниқлаш бўйича тергов ишларини олиб бораётганини маълум қилди.

ВИСТАВКА ОЧИЛДИ

ПХЕНЬЯН. Халқ Кореяси пойтахтида саноат эстетикаси биринчи республика виставкаси очилди. Унинг экспозициясида енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ҳар хил маҳсулотларининг 530 дан кўп намунаси, чинни ва шишадан ясалган асарлар бор. Ранг-баранг эскиз ва плакатлар автомашиналар, тракторлар, станоклар, бошқа саноат машина-ускуналари конструкцияларини замонавий техник ва эстетик жиҳатдан ҳал этилиши билан таништиради. Янги модельдаги кийим-кечак, пойафзал, ўрамаллари алоҳида эътиборга сазовор саналмоқда. Виставканинг энг яхши экспонатлари ҳам ўрин олган.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Тошкент шаҳридаги 5-таксопаркдан М. Шангареев бошлиқ шоферлар бригадаси коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятини бажарди. Ҳайдовчилар беш йиллик топшириқни белгиланган муддатидан бир йилу саккиз ой илгари адо этдилар. Давлат бир миллион сўмдан кўпроқ даромад олди. Автомобильчилар беш йиллик бошидан буён 37 минг литр бензин, кўпгина эҳтиёт қисмлар ва автомобиль резиналарини тежашга муваффақ бўлдилар. Бригада коллективи ўз иш ҳақининг анча қисмини тинчлик фондига ўтказди.

М. Шангареев бошлиқ бригададаги 24 шофернинг ҳаммаси ягона наряд асосида ишлаб, меҳнат унумдорлигини янада ошириш, республика юбилейини зарбдор вахтада янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олиш мажбуриятини қабул қилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмаси коллективи социалистик мажбуриятининг муҳим бандини бажарди. Бу ерда янги потоклар ишлай бошлади. Корхонада ярим автоматлар ва универсал машиналар ўрнатилди. Булар энг муҳим операцияларни бажаришни енгиллаштирди ва жадаллаштирди. Тошкентлик тикувчилар янги технология асосида ишлашга ўтиш учун тайёргарлик кўриб, Горький ва Ереванда-ги турдош корхоналарда стажировка ўтдилар.

Янги серунум машина-ускуналарни ўз ичига олувчи янги потоклар беш йиллик охиригача республикадаги барча тикувчилик корхоналарида барпо этилади. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилайди.

* * *

«Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмаси магазинларида мактаб ўқувчилари учун кийим-кечак савдо-кўргазмалари ташкил этилган бўлиб, унда савдо «мактаб бали учун» шиори остида ўтмоқда. Кўргазмага қўйилган моделларнинг ҳаммасини республика кийим-кечак моделлар уйининг мутахассислари ишлаб чиққан. Кўргазмага келган ҳар бир киши мол сотиб олибгина қолмай, балки уларни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳам киритиши мумкин.

[ЎзТАГ].

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида


УЛАН-БАТОР. МХРП Улан-Батор комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетида янги партия сиёсий ўқув системасида биринчи ўқув йили тугади. Янги программа, шунингдек яна бир факультет—партия-хўжалик активи факультети очилганлиги тингловчиларни тайёрлашни анча яхшилаш, университетда ўқиш илмий савиясини ошириш имконини берди.

Халқ Монголияси пойтахтида мазкур ўқув юрти 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб турибди. Бу ерда партия, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ходимлари, илм-фан, санъат, маданият ва маориф арбобларидан уч мингдан ортиқ киши олий сиёсий билимга эга бўлди. Ҳозирги вақтда университетда бешта факультет бўлиб, уларда 600 га яқин тингловчи шуғулланмоқда.

ПРАГА. Чехословакиянинг Млада-Болеслав шаҳридаги «Шкода» автомобиль заводи ташкил топганига 90 йил тўлди. Заводнинг 20 минг кишилик коллективи ҳозирги кунда 170 мингдан ортиқ енгил кичик литражли автомобиль тайёрлаб чиқармоқда. Бу автомобилларнинг қарийб ярми экспорт учун юборилмоқда. Ҳозирги вақтда завод коллективи машинанинг принципиал жиҳатдан янги моделинни ишлаб чиқишга киришди. Бу модель энг яхши жаҳон намуналарига мувофиқ бўлади. Моделни яратишда 23 та турдош завод иштирок этмоқда. Янги «Шкода» машинасини 1987 йилда кўплаб ишлаб чиқаришга киришиш мўлжалланмоқда.

СОФИЯ. Болгария пойтахтидаги Л. И. Брежнев номли Кремиков металлургия комбинатида болгариялик антифашистлар олиб борган партизанлар кураши тўғрисида ҳикоя қилувчи виставка очилди. Виставкани Революцион ҳаракат миллий музейи ташкил этди ва у Болгарияда социалистик революциянинг йиллигига бағишланди. Ҳужжатлар, фотосуратлар ва экспонатлар партизанларнинг қаҳрамонона ишлари, уларнинг фашизмга қарши олиб борган фидокорона кураши тўғрисида ҳикоя қилади.

ЛИССАБОН. Португалия пойтахтида СССР билан Португалия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги ва «Португалия — СССР» жамияти ташкил этилганлигининг ўн йиллигига, шунингдек Халқаро музейлар кунига бағишланиб «СССРда архитектура ёдгорликларининг муҳофаза этилиши ва таъмирланиши» мавзуидаги виставка тантанали равишда очилди.



ЛАОС ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳар томонлама ўсиб-ўнаётган Осиёнинг катта ҳарбий-сиёсий кучларидан бири — Меконг дарёсининг ўнг ирмоғи бўйлаб ўтган ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган йўлнинг ҳозирги ҳолати ифодасидир.

Москва Кремлининг ёнидаги Василий Блаженный ибодатхонасининг рус меъморчилигининг ноёб намунаси сифатида ва жаҳоннинг бошқа меъморчилик комплекслари орасида ўзига хос ўрин эгаллаётган ушбу ёдгорлик ишлари ҳозирги вақтда амалга оширилаётган тўртинчи реставрация ишларидир. Бу ишлар 1989 йилда якунланиши керак.

Виставка меҳмонлари Совет Иттифоқининг қадимги ёдгорликларини муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар билан танишадилар. Бу эса давлатларнинг халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлигининг ифодасидир.

СУРАТДА: Лаосдан келган рассом Сайнянг Сисомпон виставка экспонатлари олдида суратга олинмоқда.

В. Садчиков (ТАСС) фотолавҳаси.

ФОТОАХБОРОТ





Тошкент чинни заводида ишга туширилган иккита қўшимча ярим автомат линия чойнак ва пиёлалар ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш имконини берди. Ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмай туриб, янги линияларни ишга тушириш учун завод ишчи ва хизматчилари катта тайёргарлик ишларини олиб бордилар. Линия конструкцияларининг лойиҳасини корхона инженерларининг ижодий бригадаси ишлаб чиқди. Линияларни тайёрлаш ва монтаж қилиш билан заводнинг механика цехи коллективи шуғулланди. Ишлаб чиқариш новаторларининг куч-ғайрати билан белгиланган қувватга қисқа вақт ичида эришилди.

СУРАТЛАРДА: чойнак ишлаб чиқарувчи янги линиянинг учаскаларидан бирида; янги линияларнинг маҳсулотн.

Р. Нуриддинов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Сўз — цех партия ташкилоти секретарларига

ШАХСИЙ НАМУНА КУЧИ

Коммунистнинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида шахсий намуна кўрсатиши, бошқаларни ўз ортидан эргаштириши муваффақиятлар гаровидир. Корхонамизда эса кўпчилик коммунистлар ана шундай фазилатга эгадир. Улар ишлаб чиқаришда кўпчилик-ка намуна бўлишяпти. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олишда улар кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Коммунистнинг шахсий намунаси ҳақида гапирганда, сўзни ҳамиша кишн ўзидан бошлаши керак. Айниқса, меҳнат коллективида етакчилик қилиш катта масъулият юклайди.

Мен ўзим КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини планга қўшимча оширыш, маҳсулот таннархини эса камайтириш юзасидан шаҳардаги бир неча иллғор бригада бошлиқлари қатори ташаббус билан чиққан эдим. Шу кунларда ана шу юксак ахдимизга яраша ишлашга интилямиз. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ишчи, коммунист астойдил изланса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги резервларини топа олади.

Биз ускуналарнинг сменадаги иш коэффициентини оширишга интиляпмиз. Бу эса яхши самара беряпти. Бизнинг комплекслашган узлуксиз бригадамизда бунинг аҳамияти катта. Бригадамизда ўз ишига ҳалол, виждонан ёндошадиган ишчилар кўп. Н. Шалишова, Р. Колмурзина сингари тажрибали ишчилар ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлашяпти.

Менга коммунистлар юксак ишонч билдиришиб, цех партия ташкилоти секретари қилиб сайлашган. Бу эса зиммамга алоҳида масъулият юклайди. Ҳар бир коммунист қалбига йўл топиш, уларни янги марралар сари руҳлантириш маҳоратни талаб этади, албатта. Биз КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорлари моҳиятини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларини ҳар бир коммунист, ишчи қалби ва онгига етказишга интиляпмиз. Корхонамизда Ю. Степаненко, В. Грибков сингари тажрибали коммунистлар ёш ишчиларга айниқса катта эътибор билан қарашади. Негаки, ёшлар келажагимиз. Ҳунар-техника билим юртларидан, мактаб парталаридан тўғри нага ишга келган йигит ва қизлар тажрибали ишчилар кўмагига муҳтож бўладилар. Бир томондан ҳали нотаниш бўлган коллектив билан мулоқотда бўлиш, иккинчи томондан эса пухта меҳнат кўникмалари йўқлиги ёшларни бир мунча иймантириб туради. Буни эса тажрибали ишчилар вақтида англаб, уларга ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Мураббийлик жуда масъулиятли, айни пайтда фахрли ишдир. Мен ҳам шу корхонада йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида кўплаб шогирдлар етиштирдим. Улар корхонамиз ютуқларига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Бизнинг олдимизда бу йил катта вазифалар турибди. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, пахта териш машиналари чидамлилигини ва унинг унумдорлигини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш борасида машинасозлар қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Биз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани ҳар томонлама кенг тус олдиряпмиз.

О. КАРПОВА,
Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи 14-цехининг партия ташкилоти секретари.

ИЛМ-ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЕЖАЛМОҚДА

Марғилон шойи комбинатида электр истеъмоли режимларини тадқиқ этган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси энергетика ва автоматика институтининг ходимлари электр энергиясини тежаш учун машинани тўхтатиб қўймаслик керак, деган хулосага келдилар. Гап шундаки, бу ерда ўрнатилган қуритиш машинасини ишга тушириш учун тахминан бир соат мобайнида 400 киловаттга яқин энергия талаб этилади. Шу машинани иш режимида сақлаб турий учун эса тўрт баравар кам энергия кетади. Шундай қилиб, смена алмашиш, хом ашё вақтида берилмаслиги ва бошқа сабаблардан бўладиган танаффуслар беш соатдан ошмаса машинани бекор юритиб қўйиш нафли бўлиб чиқар экан. Кучли машина бундан кўпроқ тўхтатиб қўйиладиган пайтларидагина уни электрдан узиш мақбулдир.

Институт олимларининг бошқа тавсияларини жорий этиш ҳам мураккаб техник тадбирлар ўтказмай, энергия сарфини камайтиришга ёрдам беради. Масалан, илгари ҳаво тортадиган вентиляция бутун иш вақтида ишлаб турарди, энди бўлса ҳавони булғайдиган модда чиқарадиган агрегат тўхтаганида шу вентиляция ҳам тўхтатиб қўйилмоқда. Институт ходимлари иштирокида комбинатда электр таъминоти системалари реконструкция қилинди. Бу энергия сарфини анча камайтиришга имкон беради. Хуллас олимлар таклиф этган рационал режимларни жорий этишдан корхонада йилига 210 минг киловатт-соат электр энергияси ва 1300 гигакалория иссиқлик энергияси тежалди.

Бу ерда ишлаб чиқилган энергия ресурсларни тежаш методи мамлакатдаги бошқа бир қанча тўқимачилик корхоналарида жорий этилмоқда.

[ЎзТАГ].

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

31 МАЙ, 1984 й.

• *Мухбиримиз билан суҳбатда*

Ижодий ҳамкорлик давом этади

VIII Халқаро Тошкент киноанжуманида иштирок этаётган турк кинонамояндалари сафида сценарийнавис ва продюссер Сабоҳат Дуру ҳам бор. Сабоҳат Дуру билан суҳбатимиз турк экран усталарининг Халқаро анжуман экранига тавсия этган картиналари, фестиваль таассуротлари ҳақида бордн.



— Киночилар оиласининг аъзоси сифатида бу гал фестивалга турк экран усталари билан келдим,— деди жаноб Сабоҳат билан. — Чунки турмуш ўртоғим Ильмаз оға ҳозир ҳолида, янги картинаси устида иш олиб боряпти.

— Фестивалга олиб келган картиналарингиз ҳақида билан таништиринг.

— VIII Халқаро Тошкент кинофестивалида расмий намойиш учун иккита картина, шунингдек информация тарзида кино бозорида намойиш этиладиган фильмларни олиб келдим. Фестиваль экранига тавсия этилган режиссёр Ёмер Ковурнинг «Сўнгги муҳаббат тарихи» ва режиссёр Кунанжнинг «Бу аёл» деб номланган картиналари ўзининг услубий йўналишлари билан бир-биридан фарқ қилса-да, улар ғоявий-бадиий хусусиятлари билан бир-бирига жуда яқин. Уларда асосан муҳаббат эрки масаласи қўйилган.

— Сиз совет ва турк экран усталари ҳамкорликда яратган фильмнинг муаллифларидан бирисиз. Бундай ижодий ҳамкорлик яна давом эттириладими?

— Биз ҳамкорликда суратга олган «Муҳаббат афсонаси» фильми кўпгина шарқ халқлари маданий хазинасидан муносиб ўрин олган «Фарҳод ва Ширин» достони асосида яратилган эди. Анъанага айланган ижодий ҳамкорлик кейинги йилларда ўзаро фильмлар алмашлаш, кино делегациялар юборибгина турмай, шунингдек биргаликда янги кино асарлари яратиш режаларини тузишда давом эттириляпти. Масалан, ана шу картинадан сўнг турк кинематографчилари таниқли совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг қиссаси асосида «Қизил дурраса» фильмини яратдилар. Агар эсингизда бўлса, бу картина VI Халқаро Тошкент кинофестивалида катта муваффақият билан намойиш этилган эди. Эндиликда экран усталаримиз машҳур ёзувчининг бошқа асарлари асосида ҳам фильм яратишга тайёргарлик кўришаяпти. «Қизил дурраса»да бош қаҳрамон ролини ижро этган машҳур актриса Туркан Шорай эса эндиликда режиссёр сифатида ҳам иш олиб боряпти.

— Туркан Шорай кейинги йилларда қандай образлар яратди? Унинг ижодидаги янгиликлар нималарда кўринади?

— Ҳозир Туркан Шорай режиссёр сифатида ранг-баранг картиналар яратаётганига қарамай ўзи ҳам бир қатор фильмларда бош ролларни ижро этиб, ажойиб образлар яратмоқда Масалан, у Отиф Йилмазнинг «Сени севаман» ва «Мина» каби фильмларида етук образлар яратишга муваффақ бўлди. Бу картиналар Киночилар уйида иш олиб бораётган кино бозорида намойиш этилди. Бундан ташқари, машҳур актрисамиз ҳаётида ҳам ўзгаришлар бўлди. У таниқли турк экран устаси Жаҳон Йиналга турмушга чиқди. Улар биргаликда яратаётган картиналар ўзининг юксак пафоси, гуманизми, ғоявий-бадиий хусусиятлари билан Туркия кино санъатида муҳим ўрин тутади. У навбатдаги Тошкент кинофестивалига ўзининг янги картиналари билан келиш ниятида.

— Сизни ҳам навбатдаги фестиваль қатнашчилари даврасида учратсак керак...

— Ҳа, албатта, Тошкент кинофестивалларининг ҳамжиҳатлик руҳи, бу ердаги ижодий муҳит ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Агар келгуси сафар Ўзбекистон пойтахтида ўтадиган кино анжуманда қатнашишга муяссар бўлсам, ўзимни янада бахтли ҳисоблардим. Чунки бизнинг прогрессив йўналишдаги кинематографчиларимиз яратаётган картиналар Тошкент фестивалларининг руҳига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб бормоқда.

Суҳбатни
М. АБДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.





Кинофестиваль мезбонлари—совет кинематографларининг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси турли мамлакатларидан келган меҳмонлар билан учрашуви қизғин ўтаяпти. Улар ўз ҳамкасблари билан саммий суҳбатда бўлишяпти, ўз ижодий тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Совет Иттифоқи ва Миср киноарбоблари; киноактриса Тамара Шокирова мексикалик сценарийнавис ва режиссёр Гонсало Мартинес билан суҳбатлашмоқда.

Л. Глауберзон
фотолари.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

• КИТОБЛАР БАЙРАМИ

Польша пойтахти марказидаги маданият ва фан саройини 20 та давлат байроқлари безаб турибди: бу ерда XXIX анъанавий халқаро китоб ярмаркаси очилди. Унда 950 китоб савдоси фирмаларининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Совет экспозицияси — ярмаркадаги энг йирик экспозициялардан биридир. Бутуниттифоқ «Халқаро китоб» ташқи савдоси бирлашмаси бу ерда СССРдаги 100 дан зиёд марказий ва республика нашриётларининг уч мингга яқин янги китобларини намойиш этмоқда.

• УҚИТУВЧИ-РОБОТЛАР

Венгер олимлари тилшунослик институти мутахассислари билан ҳамкорликда учта кибернетик машина яратдилар. Буларнинг иккитаси венгер тилида, биттаси рус тилида гапирадиган роботлардир.

Ҳозирги пайтда роботлар фойдаланишга тахт қилиб қўйилди: улардан Венгрия Халқ Республикаси мактабларида венгер ва рус тилларини ўқитишда фойдаланиладн. Фан ва техниканинг бу янги ютуғи катта амалий фойда келтиради деб кутилмоқда.

• ҚУЧАДА ТУФЛАСАНГИЗ

Сингапур ҳукумати «аҳлоқ тузатиш» бўйича кампания бошлаб, кўчаларда туфлашга қарши юриш эълон қилди. «Бизнинг яшаш даражамиз ҳам, бизнинг санитария нормаларимиз ҳам ривожланган мамлакатларникидекдир», — деди соғлиқни сақлаш министри. Бу, деб давом этди министр, маиший соҳадаги маданиятни ҳам кўтариш зарур, деган маънони англатади. Эндиликда қоидабузарларга жарима солинадиган бўлди: биринчи гал уларга 120 америка долларн миқдорида жарима солинади, иккинчи гал эса бу миқдор икки баравар оширилади, кейин яна шундай ҳол юз берса жарима миқдори ошгандан ошиб бораверади. Кампания бир ой давом этади, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги

• ҚИЗЛАР — ПОЛИЦИЯ ХИЗМАТИДА

Бирлашган Араб Амирлиги тарихида биринчи бор полиция хизматига аёллардан 50 киши қабул этилди. Улар махсус икки йиллик тайёргарлик курсидан ўтдилар, дзюдо ва каратэ усулларини ўргандилар, отишни машқ қилдилар. Полиция хизматига ишга келган қизлар ота-оналарининг қаршиликларига ҳам дуч келдилар. Уларнинг ота-оналари эскиликка мукасдан кетган кишилар бўлиб, аёлларга давлат хизматида ўрин йўқ, деб ҳисоблайдилар.

• ЖАЗИРАМА ЁЗ ТАШВИШЛАРИ

Ҳиндистонда ёз ҳаддан ташқари жазирама палага кирди. Ҳарорат Цельсий бўйича 47 даражагача кўтарилиб кетди. Кеча кеча Деҳлида термометр симоб устунларн 44,6 даражани кўрсатди. Бундай ҳарорат бу ерда сўнгги марта бундан чорак аср илгари кузатилган эди. Деҳлидаги энг юқори ҳарорат 1944 йилнинг 29 май куни кузатилган, ўшанда термометр симоб устуни 47,2 даражани кўрсатган эди. Ҳиндистоннинг турли штатларидан жазирама кунлар келиши туфайли кўплаб ўлим ҳоллари юз берганлиги тўғрисидаги маълумотлар олинаяпти. Биргина Бихар штатининг ўзида сўнгги ҳафта мобайнида 56 киши ҳалок бўлди. Жанубий оро кирадиган мусон ёмғирларининг бошланишига эса ҳали кам деганда яна бир ой вақт бор.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми
31 МАЙ, 1984 й.

ОИЛА
ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

• ПЕДАГОГ ЎЙЛАРИ

ТАРБИЯ КЎЗГУСИ

Ота-оналар қалбида муҳаббат қуёши бор.

К. МАРКС.

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

МЕЪЁР—БАРАКАНИНГ РАМЗИ

Иссиқ жон — иситмасиз бўлмайди. Мирзаюсуф Мирзавалиевнинг тўсатдан тоби қочиб, касалхонага ётишга мажбур бўлди. Бундан хабар топган қариндош-уруғ, ёру биродарлар уни кўргани, кўнгил кўтаргани шифохонага тез-тез кела бошлашди. Ким келса беморга албатта, бирон нарса ола келарди. Бири ёғлиқ патир-у, сомсалар, турли ширинликлар билан келса, иккинчиси ош-у, кабоб, учинчиси яна бир бошқа таом ола келади. Хуллас, бемор шўрлик бу таомларнинг қай бирини ейишни ҳам, емасликни ҳам билмай қолди. Кўнгли тусаганидан тановул қилай деса, врачлар рухсат беришмайди. Хуллас, олим Мирзаюсуф Мирзавалиевнинг боши қотди. Охири пакет-пакет таомларнинг уволидан кўрққанидан уларни дуч келган кишиларга тарқатишга мажбур бўлади.

— Менга касалхонанинг овқати ҳам етади,— дерди у кўнгил сўрагани келганларга.— Увол бўлади, бошқа ҳеч нарса олиб келманглар. Ўзларингиз келиб турсангиз бас.

Баъзан уйқуси қочган пайтларда шифтга термуларканча ётаркан, узоқ хаёлга берилиб кетарди. Пакетларда қотиб, чиқитга чиқаётган нонлар, ҳар хил ширинликлар, таом-лар-у, мева-чевалар кўз олдидан ўта бошлайди. Юраги увишиб, ич-ичидан ачинади. «Одамзод қизиқ, — шундай ўйларга берилади, у— яқин-яқин дагина қорни нонга тўймай юрарди. Мана, тўқчилик замонлар келганда ўша оч-наҳорли йилларни унутиб юборяпти. Унутилганни майли-я, ўз меҳнати, бойлиги нонни қадрсизлаб, исроф қилаётгани нимаси?..

Марҳум арабшунос олим Мирзаюсуф Мирзавалиев ҳаётлик чоғида, касалхонада ётганида ноннинг, тўқчиликнинг қадрига етиш ҳақидаги сўзларини ҳали-ҳануз эслайман. Ҳозир ҳам табаррук олимнинг ўша муқаддас сўзлари кўнглимдан ўтиб, узоқ хаёлларга чўмиб кетдим. Халқимизнинг бир-биридан гўзал, серзавқ урф-одатлари, маросимлари бор. Бундай урф-одатлар-у, маросимлар фақат қариндош-уруғ, ёр-биродарларнинг тўпланишиб, завқ-шавққа тўла ширинхандон суҳбат қуришларга восита бўлиб қолмай, уларнинг иккинчи бир муҳим вазифаси — ёшларимиз тарбиясига таъсир этувчи омиллардан эканлиги ҳаммамизга аён. Лекин кейинги пайтларда маросимларимизнинг тарбиявий аҳамияти сусайиб қолаётганга ўхшайди. Тўйлар гоят дабдабали, маъракалар эса тўйга айланиб кетди. Инсон вафотидан кейин ўтказиладиган баъзи маросимлар гўё катта тўйга, «етти маҳалла»га ош беришга айланиб кетяпти.

Мана бир мисол. Марҳум Носир отанинг «йигирмаси»га бордик. Бу маросимга юз кило гуруч дамланди. Дастурхонда эса «қушнинг сути»дан бошқа ҳамма нарса бор. Отанинг ўғилларининг ёр-биродарлари гангур-гунгир гаплашиб, чекка-чекада қулиб ҳангома қилишяпти. Лаган-лаган ортган ошлар бир тоғорага ташланяпти, дастурхонда олдин синдирилган нонлар йиғиб олиниб, қоғоз яшикка солиняпти. Кўчани шунақанги кўп енгил машина босиб кетганки, одам зўрга, қийналиб ўтади. Машиналарнинг сигнали қулоқни қоматга келтиради. Бу маъракада битта ҳофиз бўлса ёки магнитофон қўйиб қўйилса, бас, росмана тўйнинг худди ўзи!

Йўқ, азизлар, дабдаба-ю-исрофгарчил и к билан обрў олиб бўлмайди. Фақат ном қозониш учунгина ўтказиладиган маросимлар ёшлар тарбиясига, одамлар дунёқарашига салбий таъсир этади. Марҳумларни ёдга олиб ҳурматлаш, қадр-қимматини ўрнига қўйиш яхши одатларимиздан. Аммо юқорида айтилганидек, маросимларимизнинг ҳаддан ташқари дабдабали тусда ўтказилиши, исрофгарчиликка йўл қўйилиши тиш орғиригидек асабга тегади.

Тўй маросимларимиз ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Уларни ихчам, ўринли, шу куннинг талаби даражасидан четга чиқмаган ҳолда ўтказишимиз керак. Ҳар нарсада меъёр, инсоф ва одиллик бўлса, рўзғоримиз баракали, турмушимиз фаровон кечади, нафсониятимиз ҳам озор топмайди.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, Н. Пирогов мукофотининг лауреати.

ИНСТИТУТ ЮБИЛЕЙИГА АТАБ

Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институти 50 йиллигига атаб почта маркаси чиқарилди. Маркадаги расм мана шу машҳур илмий-тадқиқот муассасаси ишларининг йўналишини акс эттиради. Унинг маркада электр пайвандлаш ва перфолента алангаси фонида институтнинг фирма белгиси тасвирланган. Бу пайвандлаш жараёнлари ва махсус металлургияни автоматлаштиришга оид институт ечимлари программасини акс эттиради. Марканинг юқори қисмида институт сазовор бўлган мукофотлар: Ленин ордени, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кўзга ташланади.

Институт биноси тасвирланган ва юбилей эсдалик ёзуви акс эттирилган бадиий маркали конверт ҳам чиқарилди. **(ТАСС).**



Яқинда Москва консерваториясининг Катта залида йиғилган музика шинавандалари янги истеъдод нашф этилишининг гувоҳи бўлишди. Ниҳоятда мураккаб, юксак меҳорат талаб қилувчи фортепьяно учун Биринчи ва Иккинчи концертларни РСФСР халқ артисти Д. Китаенко бошчилигидаги Москва филармонияси академик оркестрининг жўрлигида Гнесинлар номидаги махсус ўрта музика мактабининг ўқувчиси Женя Кисин ижро этди.

Женя 12 ёшда. Олти ёшида у ўзининг биринчи пьесасини яратган эди. Ҳозир Женя 6-синфда ўқийди.

СУРАТДА: Ж. Кисин Москва консерваториясининг Катта залида.

ТАСС фотохроникаси.

• *Буни ҳамма билиши керак*

ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Қутуриш касаллиги фалаж белгиларини пайдо қиладиган, бош мияни оғир зарарлайдиган, кўпинча ўлим билан тугайдиган оғир юқумли хасталик. Бу касаллик билан одам, ҳамма турдаги ҳайвонлар, яъни сигир, эчки, қўй, от, эшак, бўри, тулки, айиқ, ит, мушук, ҳатто қушлар ҳам касалланади.

Ит қутурганда безовта бўла бошлайди, ириллайди, еб бўлмайдиган нарсаларни — латта, қоғоз, ўтинларни ейди ва одамни қопади.

Қутуришнинг тинч, фалажланиш формаси кўпинча қора молларда (сигир, қўй, эчки) учрайди. Отларда ҳам касалликнинг тинч формаси учраб туради. Касалликнинг тинч формасида ҳайвон овқат емайди, сувдан қўрқади. Бир неча кундан кейин ётиб қолади, яъни фалажланиш рўй беради, оғзидан сўлак оқа бошлайди ва тез ўлади.

Хасталик одатда қутурган касал ҳайвондан одамга юқади. Уни чақирувчи вирус ҳайвонларнинг сўлаги билан ташқи муҳитга чиқади. Яъни қутурган ҳайвон тишлаганда унинг сўлаги билан вирус ҳам шикастланган жойга тушади.

Мана бир воқеа. Бир аёлни бегона ит келиб оёғини тишлаб қочиб кетади, аёл ит енгил тишлагани учун аҳамият бермайди, лекин уч ойдан кейин қутуриб ўлади.

Шуни айтиш керакки, сўлак билан чиққан вирус кўзга, оғизга ёки қўлнинг тирналган жойига тушса ҳам одам қутуриш касалига йўлиқади.

Қутуриш касаллигининг одамда кечиши ҳайвон қутуришига ўхшаб кетади. Беморда ит тишлаган жой ва шу ердаги нерв толалари ловуллаб ачишади, баъзи беморларда эса ит тишлаган жой битиб кетади. Бемор ўзини лоҳас ҳис қилади, уйқуси бузилади, иштаҳаси йўқолади, ҳарорати кўтарилади, юрак уриши ва нафас олиши ўзгаради. Кейинчалик беморда суюқлик ютиш бузилади, сувни ичолмай бор кучи билан стаканни итаради, уни кўрқиш ҳолати қийнайди.

Медиклар буни сувдан қўрқиш белгиси, деб аташади. Бу белги фақат қутуриш касаллигига хосдир. Кейинчалик бемор сув номини эшитганда ҳам тириша диган бўлиб қолади.

Ҳозирги замон медицинаси қутуриш касали билан хасталанган беморни даволай олмайди. Одамларни бу касалликдан сақлаш йўлларидан бири улуғ олим Луи Пастер топган эмлашдан иборатдир. Эмлаш ит қопган дастлабки кунларданоқ қўлланади. Шуни айтиш керакки, врачлар белгилаган эмлаш курсини тўлиқ қабул қилмаган бемор ҳам қутуриш касалига дучор бўлади. Врачлар кўрсатган бир неча эмлаш курсини тўлиқ қабул қилгандагина қутуриш касаллигидан сақланиш мумкин.

У. ПЎЛАТОВ,
Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бош эпидемиологи, медицина фанлари кандидати.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

ЗИЁКОР ОНАХОНЛАР

Устоз! Шу биргина сўзда инсон ақл-заковати, ҳурмат-иззати, илм-зиёси мужассамлашган, зеро ўқитувчи деганда катта ҳаётга бошлаган, илм-фанни ўргатган, таълим-тарбия берган, ҳарф танитиб, ёзувни ўргатган улуғ сиймо кўз ўнгимизга келади.

«Мени ўқитганлар!..». Тўрт онахон ўқитувчини кўрганда юзлаб, минглаб кишилар шу сўзни айтишларига, фахрланишларига ҳеч шубҳа йўқ. Октябрь районидаги 84-ўрта мактабда узоқ йиллар ўқитувчилик қилган, кўз нурини, қалб қўрини ёш авлод тарбиясига берган Тоира Ғофурова, Мухлиса Зиёдова, Насиба Абдуллаева ва Тўхта Муҳаммаджоноваларни қутлуғ ёш билан муборакбод қилгани келган кўплаб кишилар шундай дейишди.

Мен ана шу устоз-муаллимлар билан суҳбатлашиб, ҳар бирларининг таржимаи ҳолидан қисқача ёзиб олдим:

Тоира ҒОФУРОВА:— Ўқитувчилик касбимни жуда севаман. Шу мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ ўқитувчи бўлишга аҳд қилдим. 1943 йили ўқитувчилар институтини, кейинчалик Тошкент Давлат педагогика институтини, кейинчалик Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимини битириб, ўзим ўқиган шу мактабда бошлағич синф ўқитувчиси, илмий бўлим мудири, мактаб директори бўлиб ишладим. Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатиб, мана 34 йилки ўзим ўқиган 84-мактабда дарс беряпман. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси нишони, медаль ва бир қанча мукофотлар олганман.

Насиба АБДУЛЛАЕВА: — Мен ишчи оиласида туғилган бўлсам ҳам, ўқитувчилик касбига меҳр қўйдим. Тошкент Давлат педагогика институтини тамомладим, 84-мактабда дастлаб кутубхоначи, сўнг бошланғич синфларда дарс бера бошладим. Ўттиз йилга яқин вақтдан бери шу мактабда ишлаб, педагогикадан катта тажриба орттирдим. Ўқувчиларим деярли нуқул «аъло» ва «яхши» баҳога ўқишмоқда.

Тўрт табаррук ўқитувчининг ҳар бири 30—40 йилдан бери ўқитувчилик қилишган. Улар мактабда илғор педагог бўлиш билан бирга, оилада кўплаб фарзандларнинг онахонлари, набираларининг бувижонлари бўлиб юришибди. Мактаб эса уларнинг жонажон маскани. Улар узоқ йиллар меҳнат қилган Октябрь районидаги Садриддин Айний номли 84-мактабда ҳозирда 1300 дан ортиқ ўқувчи таълим оляпти.

— Мактабимиз энг замонавий типда қурилган,— дейди мактаб директори Мирҳамид Мираҳмедов, — етмиш ўқитувчи ёшларга илм-фан асосларини 40 та фан кабинетида чуқур ўргатмоқда. Пенсияга кузатган ўқитувчиларимиз кўпгина шогирдлар етиштиришди. Ҳозирги пайтда Собир Холтаев, Ҳакима Обидова, Набия Раҳматова, Шоҳида Зиямуҳамедова, Любовь Ефимовна Абрамович, Васила Юнусова ва бошқа илғор педагогларимиз жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг мактаб-маорифни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун сидқидилдан, тинимсиз меҳнат қилмоқдалар.

Ўқитувчилик касбини шарафлаётган бу педагогик коллектив ёшларни чиқакам коммунистик руҳда тарбиялаш учун қизғин иш олиб бормоқда.

Т. РАСУЛЕВ.



СУРАТДА: С. Айний номли 84-мактабнинг қутлуғ ёшга кирган ўқитувчилари — Тоира Ғофурова, Мухлиса Зиёдова, Насиба Абдуллаева ва Тўхта Муҳаммаджоновалар қутлуғ ёш билан муборакбод қилган келган кишилар.

М. Нуриддинов
фотоси.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

4, 6, 7, 8 июнь соат 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР асари

Ленин мукофоти лауреати **ҒАФУР ҒУЛОМ** таржимаси.

«ОТЕЛЛО»

(2 пардали фожиа)

Саҳнага қўювчи — СССР халқ артисти, СССР ва РСФСР давлат мукофотининг лауреати Евгений СИМОНОВ.

Режиссёр — Рустам ҲАМИДОВ.

Рассом — СССР халқ рассоми, СССР давлат мукофотининг лауреати Иосиф СУМБАТАШВИЛИ.

Композитор — СССР халқ артисти Лев СОЛИН.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Касса соат 10.00 дан очиқ.

Телефонлар: 44-24-47, 44-57-75.

ТОШКЕНТДА

1 ИЮНДАН 1 АВГУСТГАЧА

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ КЎРИГИ-ИККИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кўрикни ўтказишдан мақсад — савдонинг илғор формаларини жорий этиш, қўшимча хизмат янги турларини ривожлантириш, савдо корхоналари иш режимини такомиллаштириш орқали савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ва савдо ходимлари касб маҳоратини юксалтиришдан иборат.

ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

сиздан кўрикда актив иштирок этишни ва қуйидаги анкета саволларига жавоб беришингизни сўрайди:

1. Сиз тез-тез ташриф буюрадиган магазиннинг амалдаги иш режими Сизни қониқтирадими? Унинг иш режимини яхшилашга оид қандай таклифингиз бор (магазин номери ва унинг қайси савдо ташкилотига мансублигини кўрсатишни унутманг?) _____

2. Ушбу магазинда қўшимча хизматларнинг қандай турларини ташкил этишни тавсия қиласиз? _____

3. Ушбу магазин савдо ходимларига нисбатан яна қандай эътироз ва истакларингиз бор? _____

(савдо ходими фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатинг).

4. Магазин ичидаги ахборот системаси (эълонлар, кўрсатмалар, нарх нишонлари) сизни қониқтирадими? _____

5. Магазиннинг ва унга тегишли территориянинг санитария ҳолати ҳақида сизнинг фикрингиз? _____

6. Савдо зали ходимларининг шахсий гигиенаси савияси қандай? _____

7. Шикоят ва таклифлар дафтарини сизга дастлабки талабга кўра беришадими? _____

8. Сизни қизиқтирган масалаларни ҳал қилиш мақсадида магазин мудири билан учрашиш имконияти борми? _____

9. Савдо хизмати кўрсатишда эркаклар иштирокини қандай баҳолайсиз? _____

Жавобларингизни кутамиз.

Тўлдирилган анкетани қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Пролетар кўчаси, 6-уй. Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси (ташкилий бўлим).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-38).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАР-УНИВЕРСАЛЬ (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), САНОАТ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ, МЕХАНИК, ИИҒУВЧИ, ФРЕЗЕРЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, ШТАМПОВКАЧИ.

ҲАММА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларнинг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процценти берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиги тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан прописка дан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар; 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

СИНТЕТИК ПОРОШОК МЎЪЖИЗА ЯРАТАДИ

«БИО—С» ВА «ОКА»

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ПОРОШОКЛАРИ ЎЗИНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ФАЗИЛАТИ БИЛАН АЁЛЛАРНИНГ ОҒИР МЕҲНАТИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ.

Буларнинг таркибига биологик моддалар қўшилганлиги туфайли улар ҳар қандай қотиб қолган ва эримайдиган доғларни бартараф этади.

Агарда сиз кийим-кечакларни ва ювиладиган ашёларни олдиндан «БИО-С» ва «ОКА» порошокларига бўктириб қўйсангиз унинг самараси янада ортади. Бу порошоклар ёрдами билан ип-газламали, канопли, синтетик газламалардан тикилган буюмларни бундай порошоклар билан тоза ва ораста ювиш мумкин.

ТАКОМИЛЛАШГАН «ЛОТОС» ВА «ЛОТОС—АВТОМАТ»

ИЧКИ КИЙИМЛАРНИ ЧИННИДЕК ОРАСТА ҚИЛАДИ

Бундай порошоклар сувда тез эрийди, унчалик кўп кўпирмайди, айниқса машинада кир ювиш чоғида ғоятда қулай. Кам кўпириши кийимларни чайиш чоғида меҳнатни осон қилади. Бу порошокларнинг таркибига қўшилган махсус моддалар ички кийимларни ниҳоятда ораста қилади. Бўялган кийимларнинг эса жозибасини янада оширади. Бу самарали кир ювиш воситалари ҳар қандай газламалар (шойи, жун, сунъий, синтетик, ип-газлама ва каноп)дан тикилган буюмларни ювиш учун қўлланилади.



ВНИИХИМПРОЕКТ.



БОЛАЛАР БИЛАН УЗОҚ САФАРГА БОРИШ ТАРАДДУДИ

Агарда сиз болалар билан узоқ сафарга борадиган бўлсангиз, албатта керакли тайёргарликни барвақт кўрсангиз ғоят соз иш бўлади. Агарда дам олиш ёз чоғида ёмғир ёғиб қоладиган жойларда ўтадиган бўлса, бунинг учун фарзандингизга сув юқтирмайдиган газламадан тикилган курткани сотиб олиш керак. У суви тўлиб оқадиган дарё қирғоқларида, балиқ овида, кечқурун гулхан атрофида сайр этишда ғоят керак бўлади.

САМАРҚАНДДАГИ 8-МАРТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БОЛАЛАР КУРТКАЛАРИ СИНТЕТИК ИССИҚ ТУТАДИГАН КАПРОН ГАЗЛАМАСИДАН ТИКИЛГАН БЎЛИБ УЛАР ЕНГИЛ, ЧИДАМЛИ ҚОВУШИМЛИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

«СПОРТЛОТО» ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СПОРТ ЛОТЕРЕЯЛАРИ ИШҚИБОЗЛАРИГА «СПОРТЛОТО» ЭМБЛЕМАСИ ТУШИРИЛГАН ОЧ-САРИҚ ҚУТИЛАР ЯХШИ ТАНИШ.

Ҳар шанба куни бу оммавий ўйиннинг 10 минглаб ишқибозлари ўз билетларини текширадилар. 1984 йилнинг 1 кварталида республикамизда уч миллион «СПОРТЛОТО» билетлари реализация қилинди. Шулардан 78 минг 200 таси ютуқли билетлардир. Спорт лотерея билетларини реализация қилишдан олинадиган фойданинг 50 фоизи спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилишга, спорт инвентарлари сотиб олишга, оммавий спорт тадбирларини ўтказишга ажратилди.

«СПОРТЛОТО» билетларини тўлдиришда ўйин қоидаларига қатъий риоя қилинг. Билетни тўлдиргач, тираж номерини қўйишни, билетда кўрсатилган муддатдан кечикмай «ББ» қисмини қутига ташлашни унутманг!

«СПОРТЛОТО» қутиларига билетларни ташлар экансиз шуни ёдда тутингки, барча эътирозлар ана шу қути номери кўрсатилган ҳолдагина кўриб чиқилади.

«СПОРТЛОТО» ИШҚИБОЗЛАРИ, СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

«СПОРТЛОТО» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1984-85 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: самолётсозлик, металларни қирқиб қайта ишлаш, асбобсозлик ишлаб чиқариш, саноат ускуналари монтажи ва ремонти, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш, программа билан бошқариладиган станокларни эксплуатация қилиш ва созлаш.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Техникумда ўқиш муддати — таълимнинг қайси бўлимда эканлиги, ихтисослиги ва маълумотига қараб 2,5 йилдан 4,5 йилгача.

Кундузги бўлимда муваффақиятли ўқиган ўқувчилар ойига 30 сўм ва 45 сўмдан стипендия, ўқиш аълочиларига қўшимча 25 процент стипендия тўланади.

Техникумни битирган ва аъло баҳоли диплом олган кундузги бўлимнинг ўқувчилари ўқишни давом эттириш учун институтларга юборилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Аризалар КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: 8-синф ҳажмида маълумотлилардан 1 июндан 31 июлгача; 10-синф ҳажмида маълумотлилардан 1 июндан 14 августгача; КЕЧКИ БЎЛИМГА: 8 синф ҳажмида маълумотлилардан 6 августгача, 10-синф ҳажмида маълумотлилардан 15 сентябргача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси нусхаси (ишлайдиганлар учун).

8 йиллик, ўрта мактаблар, ўрта ҳунар-техника билим юртларини 4 ва 5 баҳолар билан, техника билим юртларини аъло баҳолар билан, 60 процент атрофида аъло баҳолар билан битирган кишилар (самолётсозлик ихтисослигидан ташқари) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Қолган ўринларга кириш имтиҳонларини муваффақиятли битирган кишилар қабул қилинадилар. Кириш имтиҳонларисиз қабул қилиш кириш имтиҳонлари бошланишидан 3—4 кун олдин ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 1 августдан 21 августгача, 8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар учун математика (оғзаки), она тили (диктант); 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар учун математика (оғзаки), она тили (ишш) бўйича ўтказилади.

Кечки бўлимда кириш имтиҳонлари уч даврда ўтказилади.

Техникум ётоқхона ва прописка билан таъминламайди.

Қабул тўғрисида батафсил маълумотларни олиш учун техникум биносининг 1-қаватидаги 11-аудиторияда жойлашган қабул комиссиясига мурожаат этилсин.

Адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй 75, 7, 12, 18, 19, 58, 64, 65, 68, 133-автобуслар; 2, 3, 4, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайлар; 1, 8, 10, 11, 13, 16-троллейбусларнинг «Инқилоб хиёбони» бекати). Телефон 33-89-22.

ТВ

ПАЙШАНБА

31 МАЙ

● МТ I

18.15 «Шахмат мактаби».
18.45 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Нурафшон давра».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети».
19.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Дунё воқеалари».
22.55 Оқшом ғаройналари.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 «Баҳор байрами». Тошкентдан олиб кўрсатилади.
19.45—20.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Гуллаб турган арғимон дарахти ёқалаб». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5 ва 6-сериялар.
23.35 Спорт кўрсатуви.

● Уз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». (такрорий).
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Бузилмас иттифоқ». ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Туркманистон телевидениесининг программаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бузилмас иттифоқ». Туркманистон телевидениесининг программаси (давоми).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали.
23.05 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.30 Кўрсатувлар программаси.
18.35 «Тоғ кўллари сири». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
18.50 «Стадион ҳамма учун». «Ритмик гимнастика ҳақида суҳбат» (рус.).
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Ҳам меҳнат, ҳам маҳорат». Телекўрсатув (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА

1 ИЮНЬ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Нурафшон давра». «Жаҳон халқларининг ижоди» туркумидан».
10.10 «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. 2-серия.
11.40 Мультфильм.
12.20 Концерт.
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
16.05 Волгоград музика билим юрти рус халқ чолғу оркестрининг концерти.
16.25 «Рус тили».
17.00 «Петров ва Васечкиннинг оддий, ғаройиб саргузаштлари». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-сериялар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Оперетта артистларининг концерти.
21.30 «Время».
22.00 Ҳужжатли фильмлар.
23.30 М. Глинканинг симфоник миниатюралари.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар. «Келажак заводлари», «Ой-кумен чеккасида».
10.00 Мактаб ўқувчиларининг УССР Давлат мукофотининг лауреати, ёзувчи В. Коротич билан учрашуви.
10.35 «Кувноқ нотачалар».
11.35—12.35 «Ёдингдами, ўртоқ».
13.05 «Эҳ, шумтакалар». Бадиий фильм.
14.10 Қўшиқлар ва чолғу куйларидан концерт.
14.55 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.15—20.30 «РСФСР халқ артисти Ю. Соломин».
20.45 «Тириклар рўйхатига мангу битилган». Телефильм.
21.00 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.30 «Время».
22.00 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
22.55 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. Ярим финал. 2-тайм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Кичик юлдузлар». Болалар учун фильм-концерт.
11.05 «Азизларим». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кинопрограмма.
11.55 Болалар учун. «Бойчечак».
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Ўгатилган паровозча».

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети, маҳаллий комитети КПСС тарихи кафедрасининг мудири, доцент Ф. О. Озодаевга опаси

Раҳбар ОЗОДАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

31 МАЙ, 1984 й. Р—09280.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-30.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10